

ИЖТИМОЙ ТАДБИРКОРЛИК ЎЗИ НИМА?

Шокирова Шалола Шукуруллаевна

Навоий вилояти “Саодат сари” ижтимоий кўмак

маркази раҳбари, мустақил тадқиқотчи

Дунёда ҳал қилинишини кутиб турган жуда катта ижтимоий муаммолар бор. Масалан, камбағаллик, ишсизлик, очлик, қашшоқлик, дангасалик, лоқайдлик, ресурсларнинг етишмаслиги ва ҳоказо. Баъзан бу муаммолар ҳеч қачон ечимини топмайдигандек кўринади гўё.

Ўзбекистонда саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпайиши, бизнесни ривожлантириш, турли давлат хизматларини ташкил этиш, халқаро алоқаларнинг кенгайиши, тадбиркорликда имтиёз ва преференцияларнинг берилиши камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, инсон капиталини ривожлантириш, умумий қилиб олганда аҳоли яшаш фаровонлигини ошириш, турмуш сифатини кўтариш билан боғлиқ саъй - ҳаракатлардир. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: давлат томонидан халқни турмуш даражасини яхшилаш учун кўрсатилаётган хизматлар, ёрдамлар оқибатлари, натижалари қандай бўляпти? Баъзи имтиёзлар ёки чоралар инсонни боқманда қилиб қўймайптими? Бу масаланинг бир томони бўлса, асосий муаммо охирги пайтларда кўп кузатилаётган инсоният томонидан экологияга салбий таъсирларнинг ортишидир. Натижа эса ўзингизга маълум, саноат чиқиндилари ҳавони ифлослаши натижасида турли хавфли касалликларнинг ортиши кузатилмоқда. Бу бир-бирига боғлиқ занжир бўлиб, бир занжирдаги муаммо ечилиши натижасида бошқа бир нечта муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, биргина саноат корхонаси фаолиятининг тўхтатилиши минглаб ишсиз фуқаролар, даромадсиз оилалар юзага келишига сабаб бўлади дегани. Юқоридагиларни инобатга олиб, бугун мутахассислар барқарор ривожланишнинг асоси сифатида ижтимоий тадбиркорликка алоҳида урғу бермоқда.

Ижтимоий тадбиркорлик – бу жамиятнинг ижтимоий, экологик ва иктисодий муаммоларини бизнес усуллари билан бартараф этишга қаратилган фаолиятдир. Хориж назариясига кўра, ижтимоий тадбиркорлик жамиятда юзага келувчи ижтимоий чақирувларга юқори даражада ижобий ечим, яъни хизмат ёки махсулотларни таклиф этишдир. Мазкур назария шундай тадбиркорлик йўналишларини бизга тақдим этадики, унда асосий мақсад фойда олишга йўналтирилмайди, аксинча, жамиятдаги ижтимоий аҳволи оғир ёки ночор қатлам вакилларига ёрдам беришни назарда тутди. Ижтимоий тадбиркорликнинг муваффақияти шундаки, у уч таркибни - ижтимоий, иктисодий, экологик таркибларни бир-бирига зид келмайдиган тарзда уйғунлаштиришга қодир. Яна энг муҳими ижтимоий тадбиркорликда жамоатчилик назорати фаол бўлади. Бу эса ривожланишнинг самарали, зарарсиз, энг муҳими коррупциядан ҳоли шакли бўлиб бунда инсон қадри, фикри, таклифлари инобатга олинади. Муаммога ечим топиш учун эса энг мақбул усуллардан фойдаланилади, ташаббуслар инобатга олинади.

Юқорида айтилганидек, ижтимоий тадбиркорликнинг асосий мақсадларидан бири ижтимоий манфаатларни кўзлаш яъни фойда ўрнига жамият манфаатини аввал қўйишдан иборат бўлиб, муаммоларга янгича ёндашувлар ва креатив ечимлар таклиф қилиш, фаолиятда очиқлик, ҳисобдорлик ва натижаларни кўрсатиш ижтимоий тадбиркорликни тадбиркорликнинг бошқа соҳаларидан ажратиб туради.

Ижтимоий тадбиркорлик муаммони аниқлашдан бошланади. Масалан, ишсизлик ёки жамиятда муҳим қарорлар қабул қилишда имконияти чекланган шахсларнинг иштироки сезилмаслиги. Муаммо аниқлангач унга ечим топиш учун бизнес модел ишлаб чиқилади. Яъни муаммони бартараф этиш учун қандай усуллардан фойдаланилади, манфаатдорлар, ҳамкорлар ким аниқланади. Ижтимоий тадбиркорлик қайси манбаалар эвазига ташкил этилиши, унга қандай ресурслар жалб қилиниши белгиланади. Бундай манба грантлар, инвестициялар, хайрия ёрдамлари ҳамда давлат қўллаб-қувватлови бўлиши мумкин. Ижтимоий тадбиркорликни ташкил қилувчилар ўзлари

кўнгилли бўлгани, бирор бир ижтимоий муаммони ечишга астойдил бел боғлагани сабабли лойиҳани амалга ошириш ва натижаларини баҳолаш учун уларда ижро ва мониторинг кучли ишлайди. Бунинг асосий омили фаолият таъсирини баҳолаш учун ижтимоий ўзгаришларни ўлчаш ва натижаларни эълон қилиш ижтимоий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун муҳим ҳисобланади.

Муваффақиятли ижтимоий тадбиркорлик учун қонунчиликдаги қўллаб-қувватлов, солиқ имтиёзлари, грантлар, жамиятнинг қизиқиши, таълим ва малака ошириш тизимининг мавжудлиги зарур шартлар ҳисобланади. Ушбу соҳада ўз фаолиятини йўлга қўйиб, ижтимоий тадбиркорликни жамиятда тенг ривожланиш учун зарурлигини ўзида синаб кўрган кўнгилли инсонлар талайгина ва уларнинг тажрибаси муҳим. Масалан, Д.Борнштейн (“Как изменить мир”), Н.Зверова (“Создание успешного социального предприятия”), Мухаммад Юнус Алан Жоли (“Создавая мир без бедности”, “Мир трех нулей”), Э.Аскеров (“Эффект Аскерова”) каби амалиётчилар ва уларни асарлари ижтимоий тадбиркорликни англаш ва қўллашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда Ўзбекистонда ижтимоий тадбиркорликни фаол йўлга қўйиш юқорида санаб ўтилган бир нечта ижтимоий муаммоларга ечим бўлиши мумкин. Бироқ ҳанузгача миллий қонунчиликда ижтимоий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари тўла яратилмаган. Қонунчилик палатаси қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 августда қабул қилинган ва 2021 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган «Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қайта кўриб чиқилиб, «Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қайта кўриб чиқишидан олиб ташланган ва энг муҳими оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда бонг урилган 9 та амалдаги қонун, 2 та янги қонун лойиҳалари

ва 10 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари бирлаштирилиб, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдан бошлаб уни тугатишгача бўлган барча жараёнларни тартибга солишга қаратилган Тадбиркорлик Кодекси ҳам ҳалигача қабул қилинмаган.

Жавобини кутиб турган саволлар кўп. Нодавлат нотижорат ташкилот раҳбари сифатида менда ҳам баъзи саволлар бор. Масалан, нодавлат нотижорат ташкилоти ижтимоий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлганда иш юритиш тартиби қандай бўлади, тушумлар, солиқлар ҳисобини юритиш қай тартибга кўра амалга оширилади? Имтиёзлар ижтимоий тадбиркорлик билан шуғулланаётган бошқа тадбиркор каби бир хил бўладими? каби қонуний тасдиғини топиши керак бўлган саволлар бор.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ижтимоий тадбиркорликни оммалаштириш жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан ривожланишига муҳим хисса қўшишини инобатга олиб, имконияти чекланган шахсларни фаоллигини ошириш, иштирокини таъминлаш ва уларни ижтимоийлашувига кўмаклашишнинг энг мақбул ечими, экологияни барқарор сақлаш, она табиатга зарар етказмаслик ҳамда чекланган ресурслардан оқилона фойдаланишни кўзлаб, жамоатчиликни фаол ҳаракатга келтирувчи куч, камбағаллик ва ишсизликни камайтирувчи восита сифатида - ижтимоий тадбиркорликни ташлаш, бошлаш, соҳадаги миллий қонунчиликни мустаҳкамлаш бугун ҳар қачонгиданда муҳим ҳисобланади.